МИН ДАВРИ ХИТОЙИДА ИСЛОМИЙ ТАЪЛИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ ИСЛАМСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В КИТАЕ В ПЕРИОД ДИНАСТИИ МИН

FEATURES OF ISLAMIC EDUCATION IN CHINA DURING THE MING DYNASTY

Odiljon ERNAZAROV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, PhD in history, Associate Professor of the UNESCO Chair on religious studies and the comparative study of world religions,
o.ernazarov@iiau.uz,
11 A.Kadiri, Tashkent 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2023/2/6

Аннотация: *Мақолада Мин империяси томонидан юритилган "хитойлаштирув" сиёсатининг Хитойдаги мусулмон халқлар ҳаётига таъсири ёритилган. Мин ҳукуматининг ислом дини ва мусулмонларнинг кундалик эҳтиёжларига ёндашуви багрикенгликка асосланганлиги таҳлил қилинган. Хитойдаги мусулмон халқларнинг маҳаллий муҳитга мослашувида ўзига хос жараён архитектура, маданий ҳаёт ва таълим-тарбия соҳасида кечганлигига алоҳида эътибор берилган. Бу жараён исломий билимларни қатъий тартиблаштирилган ва ихтисослаштирилган таълим бериш услуби – масжид таълими мисолида асосланган.*

Масжид таълимининг илк ташаббускори Шэньси (Shaanxi) провинциясидаги Вэйченг (Weicheng) шаҳарчасида яшаган Ҳу Денжоу (Hu Dengzhou) ҳисобланади. Ушбу таълим тизими аста-секин мусулмонлар кўп миқдорда жамланган Шаньдун (Shandong), Чжецзян (Zhejiang), Хунань (Hunan), Хубэй (Hubei), Юньнан ва Гуанхи каби шаҳарларда ҳам жорий этилган.

Дастлабки босқичда масжид таълими яхлит шаклга эга бўлган. Вақт ўтгач, ушбу таълим тизими ривожланиб, бошланғич таълимдан юқори таълим ажратилган ҳамда у уч босқичга бўлинган: бошланғич, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим. Масжид таълимининг мазкур уч босқичи орасида бошланғич босқич энг оммабоп ҳисобланган. Масжид таълимининг бошланғич босқичи оммавийлашуви Хитойда ислом дини тарқалиши ва ривожланишида катта аҳамият касб этган.

Бошланғич таълим босқичи масжид таълимининг дастлабки даври бўлиб, унда мусулмонлар умумий исломий билимларни эгаллаганлар. Умумий ўрта мактаб босқичи масжид таълимининг оралиқ бўғини саналган. Коллеж босқичи эса имомлар етиштиришга ихтисослашган. Бу босқич талабалари "халифа" ёки "мулла" деб аталган. Улар систематик равишда араб ва форс тиллари, фиқҳ, ақида, тажвид ва адабиётдан таълим олганлар. Коллежлар катта ва ўрта ҳажмдаги масжидларда ташкил қилинган. Коллеж ўқитувчилари махсус тайёргарликка эга имомлар бўлган ва уларга маҳаллий аҳоли томонидан ҳурмат кўрсатилиб, "жинши" – "диний манбалар мутахассиси", "минжин" – "муқаддас матнлар бўйича мастер", "охун" ва "уста" деб аталганлар.

Хитойдаги мусулмонлар ҳаётида маҳаллий маданият белгилари, жумладан, эътиқод ва этика масалалари билан мослашув тадрижий ва нисбатан мураккаб кечди. Мусулмонлар бир томондан, Қуръони карим ва ҳадиси шариф кўрсатмалари асосида ислом динининг фундаментал таълимотларига эргашишга ҳаракат қилишган. Бошқа томондан, конфуцийлик, даосизм ва буддавийлик қарашларини қамраб олган анъанавий хитой маданиятидан муайян белгиларни қабул қилиб, уларни исломий қарашлар билан уйғунлаштириш мажбурияти остида қолишган.

Таянч сўз ва иборалар: *"Хитойлаштириш сиёсати", "Мин кодекси", Сиань буюк масжиди, Ҳу Денжоу, Лиу Зи, "халифа", "мулла", "диний манбалар мутахассиси", "охун", "уста", "ван" – "осмон ўғли", "хитой исломи", "Арабистон маросимлари", "Беш инсоний риштлар".*

Аннотация: *В статье рассматривается влияние политики «китайизации», проводимой империей Мин, на жизнь мусульманских народов Китая. В статье также анализируется, что подход правительства Мин к исламу и повседневным нуждам мусульман основан на терпимости. Особое внимание было обращено на то, что адаптация мусульманских народов Китая к местной среде происходила в области архитектуры, культурной жизни и образования. Этот процесс основан на примере образования при мечетях - строго систематического и специализированного метода обучения исламским знаниям.*

Первым инициатором образования при мечетях был Ху Дэнчжоу, живший в поселке Вэйчэн провинции Шэньси. Эта система образования постепенно вводилась в таких городах, как Шаньдун (Shandong), Чжэцзян (Zhejiang), Хунань (Hunan), Хубэй (Hubei), Юньнань и Гуанси, где было сосредоточено большое количество мусульман.

На первом этапе образование при мечетях имело единую форму. Со временем эта система образования эволюционировала, отделив высшее образование от начального и разделив его на три ступени: начальное, общее среднее и среднее специальное образование. Из этих трех ступеней обучения в мечетях начальный этап является самым популярным. Популяризация ранних этапов обучения в мечетях сыграла важную роль в распространении и развитии ислама в Китае.

В жизни мусульман Китая адаптация к местным культурным символам, включая вопросы веры и этики, была постепенной и относительно сложной. Мусульмане, с одной стороны, стремились следовать основным учениям ислама, основанным на указаниях Корана и хадисов. С другой стороны, они были вынуждены перенять некоторые символы из традиционной китайской культуры, вобравшей в себя взгляды конфуцианства, даосизма и буддизма, и примирить их с исламскими взглядами.

***Ключевые слова**: «политика китаизации», «Кодекс Мин», Сиань большая мечеть, Ху Денжоу, Лиу Зи, халиф, мулла, «мастер писаний», ахунд, мастер, Вэнь – сын Неба, китайский ислам, «Арабские церемонии», «Пять человеческих отношений».*

***Abstract:** The article discusses the impact of the "Sinicization" policy pursued by the Ming Empire on the lives of Muslim peoples in China. It has been analyzed that the Ming government's approach to Islam and the daily needs of Muslims was based on tolerance. Particular attention was paid to the fact that the specific process of adaptation of the Muslim peoples of China to the local environment took place in the field of architecture, cultural life and education. This process is based on the example of a well-organized and specialized method of teaching Islamic knowledge - mosque education.*

The first initiator of mosque education was Hu Dengzhou, who lived in Weicheng Township, Shaanxi Province. This education system was gradually introduced in cities such as Shandong, Zhejiang, Hunan, Hubei, Yunnan and Guangxi, where large numbers of Muslims were concentrated.

In the first stage, mosque education had a holistic form. Over time, this education system evolved, separating higher education from primary education and dividing it into three stages: primary, general secondary and secondary special education. Of these three stages of mosque education, the primary stage was the most popular. The popularization of the early stages of mosque education played an important role in the spread and development of Islam in China.

In the lives of Muslims in China, adaptation to local cultural symbols, including matters of faith and ethics, has been gradual and relatively difficult. Muslims, on the one hand, sought to follow the fundamental teachings of Islam based on the guidance of the Qur'an and hadith. On the other hand, they were obliged to adopt certain symbols from traditional Chinese culture, which embraced the views of Confucianism, Taoism, and Buddhism, and to reconcile them with Islamic views.

***Keywords:** "Sinicization policy", "Ming codex", Huajuexiang Mosque, Hu Dengzhou, Liu Zhi, khalifah, mulla, "master of scriptures", akhund, master, Wen – son of Heaven, Chinese Islam, "Arabian Ceremonies", "five human relations".*

КИРИШ

Мин сулоласи[1] ҳукмронлиги бошланганда Хитойга ислом дини тарқалганлигига етти асрга яқин вақт бўлган эди. Шу даврга ча Хитойда истиқомат қилган кўп сонли мусулмонлар исломга ишончли пойдевор қўйган бўлсалар-да, мазкур етти юз йил давомида мусулмонлар ўзларининг тили, урф-одати, ахлоқий меъёрларига содиқлик кўрсатган ва маҳаллий хан халқи анъаналарига тўлиқ уйғунлашмаган ҳолда "ажнабий" мақомини сақлаб келаётганди. Мин сулоласи даврида ташқи таъсирнинг йўқолиши ва мусулмон миграциясининг тўхташи натижасида Хитойда ислом дини тарафдорлари тадрижий равишда "бегона" мақомини йўқотиб, Хитой фуқаросига айландилар ва уларнинг турмуш тарзи аста-секин хитойлаша бошлади.

Исломшунос олим Давуд С.М. фикрича, мазкур интеграция жараёнининг энг ёрқин намунаси мусулмонларнинг хитойча фамилияларни қабул қилиши бўлган: "Хитойлик аёлларга уйланган кўплаб мусулмон эркаклар ўз исмларини турмуш ўртоқлари исм-шарифларига мослаштирганлар. Кўп ҳолатларда мусулмонлар асл исмларига яқин талаффуздаги хитойча номларни ихтиёр қилганлар. Масалан, "Ма" фамилияси таниқли хитой оиласига тегишли бўлиб, кўплаб тарихий шахслар "Ма" деб номланган. Исмлари "м" ҳарфи билан бошланган аксарият мусулмонлар баъзида талаффузи ўхшашлиги, баъзида "Ма" феъли отларга нисбатан ишлатилиши ва мусулмонлар отларни яхши кўришлари сабабли "Ма" исмини танлаганлар" *(Kenneth W., 1993:350)*. Шунга кўра, Хитойнинг шимоли-ғарбий қисмида кўплаб мусулмонлар "Ма" исми билан номланган ва айни вазиятдан келиб чиқиб, уларда "ўнта мусулмон орасида тўққизта Ма" ибораси кенг тарқалган. Ўз навбатида, мусулмонлардаги Муҳаммад, Мустафо, Мурод, Масъуд каби исмлар хитойча Мо, Маи ва Му фамилияларига мослаштирилган. Қолаверса, ўз исмларининг хитойча эквивалентини учратмаган мусулмонлар исмларига яқин талаффуз қилинган хитойча ҳарфлар билан аталишган. Мисол учун, Та – Довуд ва Тоҳир, Саи – Саид ва Саъд, Ҳа – Ҳасан, Ҳо – Ҳусайн, Тинг – Жалолиддин, Шамсуддин, Қамариддин, На – Носир ва Нағоиб, Ша – Салом, Солиҳ, Соҳиб, Аи – Исо ва Амин исмларини ифодалаш мақсадида қўлланилган.

[1] Мин – Хитойда 1368-1644 йиллар оралиғида ҳукмронлик қилган сулола номи. Бу сулолага нисбатан тарих китобларида бир неча таърифлар қўлланилади: "...инсоният тарихида тартибли сиёсат олиб борилган ва ижтимоий барқарорлик таъминланган энг буюк босқичлардан бири", "...этник ханлар томонидан бошқарилган Хитойдаги энг сўнгги сулола".

МАҚСАД ВА ВАЗИФА

Хитойда ислом динининг ёйилиши ва унинг маҳаллий муҳитга мослашуви жараёнини ҳамда ўлкадаги мусулмонларнинг маҳаллий маданиятга уйғунлашуви шароитида таълим-тарбия масалаларини тадқиқ ва таҳлил қилишдан иборат.

УСУЛЛАР

Тадқиқот жараёнида Хитой тарихидаги Мин империяси даврида ислом динининг тарқалиши ва мусулмонларнинг маҳаллий маданиятга уйғунлашуви жараёнида таълим-тарбия масалаларини ўрганишда қиёсий-тарихий, типологик, герменевтик ҳамда дедукцион таҳлил этиш усулларидан фойдаланилди.

НАТИЖА

Мутахассислар Мин сулоласи даврида Хитой мусулмонларининг ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўзгаришларни турли омиллар ва ҳодисаларга боғлайдилар. Шулардан бири Мин сулоласи илк императори Мин Тайцзунинг этник келиб чиқиши билан алоқадордир. Тарихдан маълумки, Хитойда мўғуллар асос солган Юан империяси 1368 йил Мин сулоласи вакили Зу Юанзанг томонидан тор-мор этилган шароитда, баъзи мусулмонлар ҳанузгача мўғулларни қўллаб-қувватлашни давом эттирдилар. Янги император Зу Юанзанг (асл исми Мин Тайцзу, императорлик титули Хонгву)нинг мусулмонларга муносабати эса турлича кечди. Масалан, бир томондан, у мусулмонларнинг аждодларидан Пу Шоукен Цюаньчжоуда мўғуллар тарафидан Сун сулоласи даври (960-1270) урф-одатлари бекор қилиниб, кўплаб Сун аслзодаларининг қатлида иштирок этганлигини пеш қилиб, уларга таҳқиромуз муносабат билдирган (*Aubin F, Dillon M., 1999:31)*. Бошқа томондан, у 1368 йил мўғул ва семурен[2]лардан иқтидорли ва расмий вазифаларга тайинлаш мумкин бўлганлари ҳақида фармон чиқариб, ушбу асосда 1369 йил янги тақвим ишлаб чиқиш учун ўн бир нафар мусулмон астрономи хизматидан фойдаланган *(Romeyn T., 1975:61)*.

Тайванлик этник дунган ҳисобланган бир ёзувчи Мин сулоласи даврида мусулмонлар муайян эркинликларга эга бўлганлигини билдириб, бунинг сабабларини императорнинг аслияти (background) дан топишга уриниб кўради: “Зу Юанзанг – Мин Тайцзу Аньхойдаги мўғул Таммачи ҳарбий бўлинмаси офицерининг авлодидир. Юан сулоласи тугатилгач, ханлар томонидан мазкур сулола фаолиятини ташкил қилишда мўғулларга ҳамкорлик қилган мусулмонлар таъқиб остига олинган. Лекин, шунга қарамай, Мин императорлари уларга муайян диний, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий эркинликлар тақдим қилганлар. Уларнинг мингдан юстаси Мин қўшинида хизмат қилганлар, улардан кўпчилик юқори ҳарбий ва фуқаролик мавқеини қўлга киритишган. Айни пайтда, императорлар ханларни мусулмонларга нисбатан чуқур нафратини синдириш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида уларни тўлиқ хитойлаштириш (sinoized) сиёсатини олиб борганлар. Мисол учун, император мусулмонлар олдига хитой мактабларига бориш, хитой тилида сўзлашиш, хитой анъанавий либосларини кийиш, хитойча исмлар билан номланиш ва хитой аёлларига уйланиш мажбуриятини юклаган. Мин императорларининг исломга илиқ муносабатлари сабабини очиқлайдиган яна бир маълумотга кўра, император Зу Юанзанг аёли, қиролича Ма Хоу мусулмон бўлган ва унинг бир қатор қиз ва ўғиллари ҳам мусулмонлар билан турмуш қуришган. Бундай қулай сиёсий шароит, 276 йил давомида мусулмонлар учун тинч, фаровон ва бахтли ҳаётни кафолатлаган. Яна маълумот шуки, Мин Тайцзу мусулмон бўлганлиги Мин тарихида қатъий яширилган, бу нарса олти аср давомида хитой тарихчи ва олимлари учун номаълум бўлиб келган” (*Chang, H. Y., 1987:62-78)*.

Мин Тайцзуни мусулмон сифатида тавсифлаш ички Хитойдаги аксарият олимлар тарафидан (таиванлик турколог Ма Миндао ушбу фикрни илгари сурган бўлишига қарамай) баҳсли ҳолат дея баҳоланган. Шунингдек, баъзи олимлар фикрича, Тайцзунинг аёли ҳақиқатда мусулмон бўлганлиги мунозарали масала саналади. Тайцзунинг мусулмонларга илиқ муносабат билдирганлиги империя ҳаётида юз бериши мумкин бўлган эҳтимолий зиддиятларни олдини олиш мақсади билан боғлиқ. Бу эса у мусулмон наслига тааллуқли деган фикрни илгари суришга далил бўла олмайди. Аксинча, бошқа манбаларга кўра, у ёшлигида маълум йиллар давомида буддист монастирига қатнаган (*Hucker, C. O., 2020:15-16)*. Умуман олганда, бу каби баҳсли масалаларнинг юзага келиши Юан ва Мин сулолалари ҳукмронлигининг дастлабки

[2] Сему – Хитойда “Юан” номи билан мўғуллар ҳукмронлик қилган даврда (1270-1368) амалда бўлган ижтимоий табақа номи. Маҳаллий хан ва мўғуллардан ташқари Хитойда истиқомат қилиши расмий эътироф этилган халқлар “самурен” деб аталган. Хитойдаги мусулмонлар ҳам ушбу ижтимоий таснифда қайд қилинган.

даврида Хитойда кўп миллатли аҳоли таркиби шаклланганлиги билан алоқадордир. Шу жиҳатдан, Мин Тайцзунинг келиб чиқиши Марказий Осиёлик (Nematullo Mukhamedov, & Nurulloh Turambetov, 2021:68) мусулмон шахсларга бориб тақалган тақдирда ҳам, унинг мусулмон анъаналарига мос ҳаёт кечирганлиги ёки ислом динига оид бирор маросимда иштирок этганлиги ҳеч бир манбада қайд этилмаган.

Мин Тайцзунинг этник келиб чиқишидан қатъий назар, Мин сулоласи ҳукмронлиги йиллари мусулмонлар, айниқса, дунган жамоаси учун ижтимоий мавқе жиҳатидан "кўчиб келганлар" (outsiders)дан "муқим жойлашганлар" (insiders)га айланиш даври бўлди. Бундан ташқари, мусулмонлар учун ушбу давр хитой маданий нормаларига мослашиш ёки хитойлашув (Sinicisation) жараёнини бошдан кечириш даври сифатида тавсифланади. Шу жиҳатдан, Мин сулоласи мобайнида тинч ва фаровон ҳаёт кечирган мусулмон жамоалари маданий ўзгаришларга юз тутдилар. Улардан баъзилар маҳаллий шароитга мослашиб, ҳатто, мусулмон идентификациясининг йўқотдилар. Улардан аксарият XX асрга келиб энг камида ўзларининг хан қўшнилари каби ҳаёт тарзига ўтдилар. Кўплаб мусулмонлар билан боғлиқ Юан даврида бошланган форсча, туркча ва арабча исмларни яхлит хитойчага ўзгартириш амалиёти Мин даврида такомилига етди. Мисол учун, Пекин чорва бозори ҳудудида истиқомат қиладиган чорвадор мусулмон киши бир сафар фамилиясини Янг ("қўй" маъносидаги хитой иероргрифи билан ифодаланган), Шаньдунга кўчиб боргач эса маҳаллий хитойлик (хан)лар фамилиясига мувофиқ равишда яна Янг ("терак дарахти" маъносидаги хитой иероргрифи билан ифодаланган)га ўзгартирган (*Aubin F, Dillon M., 1999:31)*. Шунингдек, жамиятдаги мусулмон бўлмаган халқ (хан, мўғул ва бошқа)лар билан никоҳ орқали яқин алоқаларни боғланиши мусулмон-дунган миллатининг маданий хусусиятларига таъсир кўрсатмай қолмади. Бу жараённи янада жадаллаштириш мақсадида, ўз даврида, Мин Тайцзу Хитойдаги мўғуллар ва "сему" ижтимоий гуруҳи таркибига кирувчи мусулмон халқлар ўзаро никоҳга киришмай, балки кўпроқ ханлар билан турмуш қуришлари кераклиги ҳақида фармон чиқарди. Аслида, ушбу фармон орқали кучларни тарқоқ қилиш кўзланган бўлса-да, мусулмонлар осон ва тўлиқ хитой жамиятига мослашишга эришдилар. Яъни, мазкур фармон ўзини акс таъсирини кўрсатди: мусулмонларни бошқа халқлар билан турмуш қуриши натижасида мусулмон аҳоли сони кўпайишда давом этди. Ушбу жараён шу тақлид кечдики, янги мусулмонлар таркибини мусулмон эркакларга турмушга чиққан хан аёллари ҳамда мусулмон аёлларга уйланишдан аввал ислом динини қабул қилган хан эркаклари ташкил қилди. Қолаверса, бундай маданий ассимиляция таъсирида жамиятда форс ва араб тилларининг нуфузи пасайиб, хитой тили мўтадил ва асосий алоқа воситасига айланди. Манбаларда келишича, 1536 йилга келиб мусулмонларнинг Қуръони каримнинг асл арабий матнини ўқиб тушуниш салоҳиятлари анча пасайган эди. Аксинча, Мин сулоласи ҳукмронлиги давомида илк маротаба хитой тилида ислом дини таълимоти ва маросимларига оид маълумотларни қамраб олган нуфузли китоблар ёзилди (*Aubin F, Dillon M., 1999:31)*.

Мин империяси томонидан юритилган "хитойлаштирув" сиёсатининг яна бир жиҳати, император Чжу Юаньчжан (1328-1398, Zhū Yuánzhāng – шахсий исми, Хунъу – Hóngwǔ – императорлик номи, Мин Тай-цзу – Min Tàizǔ – вафот этгандан кейинги номланиши) жорий қилган "Мин кодекси"нинг 122-моддасига кўра, мўғул ва сему таркибига кирган марказий осиёлик мусулмон эркак ёки аёллар маҳаллий хан миллати вакили билан турмуш қуриши мажбурий саналган *(Farmer E.L, 1995:82)*. Бинобарин, этник озчиликка нисбатан мажбурий никоҳ орқали "уйғунлаштириш" сиёсатини юритганлигига қарамай, Мин ҳукуматининг ислом дини ва мусулмонларнинг кундалик эҳтиёжларига ёндашуви бағрикенгликка асосланганди. Зотан, турли этник гуруҳга мансуб мусулмонлар ханлар билан никоҳ муносабатларига киришиш мажбуриятини ҳисобга олмаганда эътиқод эркинлигининг кўплаб қирраларини амалга ошириш имкониятига эга эдилар. Ваҳоланки, этник турфа хилликаро никоҳ жараёни хан миллатига мансуб инсонларнинг ислом динини қабул қилиши ва ўлкадаги мусулмонлар сонини ортишига хизмат қилди.

Мин империяси пойтахти Пекинда яшаган мусулмонлар ҳам туб хитойликлар каби эътиқод эркинлигига эга бўлиб, оддий фуқаро сифатида ислом динига тааллуқли урф-одатларни амалга оширишда бирор монеъликка учрамаганлар. Айни пайтда, ҳукумат монийлик ва христианлик "ноқонуний ва бузғунчи", ислом ва яҳудийлик эса "қонуний ва конфуцийлик мафкурасига мос таълимот" эканлиги тўғрисида қарор чиқарган *(Leslie D.D., 1998:15)*. Бу даврда мусулмонларнинг диний эркинликка эга

бўлганлигини анъанавий архитектура анъаналарига асосланган масжидлар барпо этилганлигида кўзга ташланади. Масалан, бугунги кундаги Хитойдаги энг машҳур Сиань буюк масжиди (Huajuexiang Mosque) айнан Мин даврида бунёд этилган. Албатта, манбаларда мазкур масжидга тамал тоши қўйилиши 742 йил, яъни Тан империяси ҳукмронлиги вақти дея қайд этилса-да, Мин империяси давомида, 1392 йил мусулмон адмирали Зенг Хэ (Zheng He) ташаббуси билан ҳозирги кўринишда қайта реконструкция қилинган. Императорлик саройи ва маҳаллий будда ибодатхоналари дизайни асосида қурилганлиги, кенг ҳовли ва ибодат залига элтувчи узун йўлаги билан замонавий туристлар учун ушбу масжид "хитой анъанавий архитектура услубини мужассамлаштирган мўжизавий бино"[3] ҳисобланади.

Хитойдаги мусулмон халқларнинг маҳаллий муҳитга мослашувида ўзига хос жараён таълим-тарбия соҳасида ҳам кечган. Ислом дини Хитойга кириб келган даврдан Мин сулоласи ҳукмронлигининг ўрталарига қадар ўтган вақт оралиғида хитойлик мусулмонлар диний таълими кекса авлод вакиллари томонидан оғзаки шаклда оилаларда олиб борилган. Бироқ, бундай таълим услуби чекланган доира ва тор қамровга эга бўлиб, расмий диний ташкилот ёки тизим доирасида ташкил қилинмаган. Вақт ўтгани сайин, Хитойдаги мусулмонлар хитой тилини ўзлаштириб, ўз ота-боболари тилини унутиб боришлари оқибатида араб ёки форс тилидаги манбалар билан танишиш имконига эга бўлмай қолдилар. Қолаверса, исломий манбаларнинг хитойча варианти йўқлиги юқоридаги таълим услубининг самарадорлигини пасайтириб юборди.

Ушбу шароитда, мусулмонлар орасидаги зиёли кишилар ислом динини қайта жонлантириш ва исломий таълимни ривожлантириш мақсадида турли чоралар кўришга киришдилар. Юан ва Мин сулолалари ҳукмронлиги давридаги тарихий тажриба асосида мусулмонлар аллақачон қишлоқ хўжалиги, тижорат ва чорвадорликка ихтисослашган ўзларининг иқтисодий тузилмаларини шакллантириб улгурган эдилар. Бу вазият уларга исломий таълимни ривожлантириш имконини берди. Масжид таълимининг илк ташаббускори Мин сулоласи императорларидан Жиа Жин (Jia Jing, 1522-1566) ва Ван Ли (Wan Li, 1573-1620) ҳукмронлиги даврида Шэньси (Shaanxi) провинциясидаги Вэиченг (Weicheng) шаҳарчасида яшовчи Ҳу Денжоу (Hu Dengzhou) ҳисобланади. Чунки Шэньси ғарбида жойлашган Вэиченг шаҳарчасида мусулмонлар кўпчиликни ташкил қилган. Аввал бошида, Ҳу Денжоу кўнгилли талабаларни тўплаб, ўз хонадонида уларга таълим беришни бошлаган. Кейинчалик, унинг талабаларидан Ланжоу Ма (Lanzhou Ma) таълимни масжидда беришга ўтгач, шу йўсинда Хитойда исломий таълимни ташкил қилишга йўл очилди. Ҳу Денжоу ташаббуси билан йўлга қўйилган ушбу таълим тизими аста-секин мусулмонлар кўп миқдорда жамланган Шаньдун (Shandong), Чжецзян (Zhejiang), Хунань (Hunan), Хубэй (Hubei), Юньнан ва Гуанхи каби шаҳарларда ҳам жорий этилди.

Бундай таълимни ташкил қилишдан мақсад маҳаллий мусулмонларга исломий билимларни ўргатиш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш ҳамда аҳли сунна вал-жамоа ақидаси асосида мусулмон шахсиятини тарбиялаш эди. Бу мақсад йўлида хонадонлардаги таълим усулидан воз кечилиб, унинг ўрнига исломий билимларни қатъий тартиблаштирилган ва ихтисослаштирилган тарзда таълим бериш услубига ўтилди.

Масжид таълими ривожланиб боргани сари нисбатан тўлиқ таълим тизими ва ягона таълим услуби тадрижий равишда ишлаб чиқилди. Ушбу жараённинг дастлабки босқичида масжид таълими яхлит шаклга эга бўлган. Аммо вақт ўтгач, ушбу таълим тизими ривожланиб, бошланғич таълимдан юқори таълим ажратилди ҳамда у уч босқичга бўлинди: бошланғич, умумий ўрта ва коллеж таълими. Бошланғич таълим босқичи масжид таълимининг дастлабки даври бўлиб, унда мусулмонлар умумий исломий билимларни эгаллаганлар. Умумий ўрта мактаб босқичи масжид таълимининг оралиқ бўғини саналган. Коллеж босқичи эса имомлар етиштиришга ихтисослашган. Бу босқич талабалари "халифа" ёки "мулла" деб аталган. Улар систематик равишда араб ва форс тиллари, фиқҳ, ақида, тажвид ва адабиётдан таълим олганлар. Коллежлар катта ва ўрта ҳажмдаги масжидларда ташкил қилинган. Коллеж ўқитувчилари махсус тайёргарликка эга имомлар бўлган ва уларга маҳаллий аҳоли томонидан ҳурмат кўрсатилиб, "жинши" – "диний манбалар мутахассиси", "минжин" – "муқаддас матнлар бўйича мастер", "охун" ва "уста" деб аталганлар *(Shoujiang M, Jia Y. & Chang M., 2004:79-83)*.

Масжид таълимининг мазкур уч босқичи орасида бошланғич босқич энг оммабоп ҳисобланган. Масжид таълимининг бошланғич босқичи оммавийлашуви Хитойда ислом дини

[3] https://www.mei.edu/publications/mosques-and-islamic-identities-china

тарқалиши ва ривожланишида катта аҳамият касб этди. Бошқача айтганда, умумий диний таълим бериш тадбирлари йўлга қўйилганлиги Хитойдаги турли мусулмон миллатларнинг ислом динига янада яқинлашуви учун асосий омил бўлди.

Масжид таълимининг ўсиши Хитойдаги мусулмонлар учун исломий билимларни систематик ва назарий шаклда ўрганиш имконини берди. Шунингдек, у ислом манбалари, таълимотлари ва қарашларининг илк бор оммалашуви ҳамда хитой-араб маданиятининг ўзаро уйғунлашуви белгиси сифатида намоён бўлди. Бу таълим тизими, кейинчалик ўз ҳаётини исломий билимларни ўрганишга бағишлаган кўп сонли қобилиятли шахсларни тарбиялаб етиштирди. Ўз навбатида, ушбу шахсларнинг хитой тилида ёзган асарлари орқали келгуси мусулмон авлоди ислом тарихи ва маданияти ҳақидаги маълумотларни нафақат оғзаки, балки ёзма равишда ўзлаштиришлари учун замин ҳозирлади. Ҳозирда Шэньси, Шандун, Нанкин ва Юньнан шаҳарлари диний таълим беришнинг асосий марказлари сифатида шаклланиб, у ерда мусулмонларнинг хат-саводи чиқариш билан бир қаторда, исломий манба ва адабиётларни хитой тилига таржима қилиш ҳамда асарлар таълиф қилиш билан шуғулланилади.

Юқоридаги қайд этилган диний таълим тизимининг ривожланиш тарихига мурожаат қилсак, XVII асрнинг ўрталарида хитой тилида исломий адабиётларнинг яратиш ҳаракатини юз бериши Хитойда исломнинг маҳаллий қадриятларга яқинлашув жараёнини тезлаштириб юборди. Бу жараёнда Хитойдаги мусулмонлар ҳаётида архитектура, байрам ва урф-одатлар, эътиқод ва этика борасида муайян даражада анъанавий хитой маданияти билан уйғунлашув ҳолатлари кўзга ташланди. Масалан, мамлакатнинг ички қисмидаги аксарият масжидларни бунёд қилишда анъанавий хитой архитектура услубига қатъий риоя этилган (*Aubin F, Dillon M., 1999:26)*.

Хитойдаги мусулмонлар ҳаётида маҳаллий маданият белгилари, жумладан, эътиқод ва этика масалалари билан мослашув тадрижий ва нисбатан мураккаб кечди. Чунки мусулмонлар бир томондан, Қуръони карим ва ҳадиси шариф кўрсатмалари асосида ислом динининг фундаментал таълимотларига эргашиш, бошқа томондан, конфуцийлик, даосизм ва буддавийлик қарашларини қамраб олган анъанавий хитой маданиятидан муайян белгиларни қабул қилиб, уларни исломий қарашлар билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилдилар.

Мусулмонларнинг баъзи эътиқодий тушунчаларни хитой анъанавий диний қарашларига мос тушунишга уринганликларини Аллоҳга эътиқод ва ҳукмдорга садоқат кўрсатиш мисолида кўриш мумкин. Исломий нуқтаи назарга кўра, диннинг асосини Аллоҳга зарра қадар гумонсиз имон келтириш ташкил қилса, конфуцийликда эса “ван” – “осмон ўғли” бўлган подшоҳ ва ота-онага тўлиқ садоқат кўрсатиш талаб қилинади. Бу вазиятдан келиб чиқиб, хитойлик мусулмон олимлар икки томон учун муносиб ва мўътадил ечимни топишга уриндилар. Унга мувофиқ, ҳукмдор ва отага садоқат кўрсатилади, Аллоҳга эса эътиқод қилинади, аммо, Яратганга имон, ҳукмдорга садоқат ва отага итоат уч юксак фазилат бўлиб, у ҳар бир инсонга бутун ҳаёти давомида ҳамроҳ бўлиши лозим, деб ҳисобланди.

Бундан ташқари, хитойлик мусулмон олимлар Қуръони карим ва ҳадиси шарифларнинг бирламчи тамойилларини конфуцийликнинг ахлоқий қарашлари билан мувофиқлаштиришда катта жонбозлик кўрсатдилар. Аниқроқ қилиб айтганда, улар томонидан исломнинг фундаментал қоидаларидан четга чиқмаган ҳолда конфуцийликка оид ахлоқ намуналаридан “нусха” кўчирилиши натижасида “хитой исломи”нинг ноёб ахлоқий қарашлари тизими дунёга келди. Мин сулоласи ҳукмронлигининг охирги ва Цин сулоласининг дастлабки даврида ҳаёт кечирган мусулмон олимларидан Лиу Зи (Liu Zhi) мазкур қарашлар тизимини тартибга келтирган шахслардан бири саналади. У ўзининг “Арабистон маросимлари” (Arabian Ceremonies) номли асарида “Беш инсоний ришталар” назариясига кенг қамровли тушунтириш бериб ўтган. Аслида, “Беш инсоний ришталар” тушунчаси ҳаётнинг беш жиҳатига тегишли ахлоқий муносабатларни ифодалайди, булар – ҳукмдор ва раият, ота ва ўғил, эр ва хотин ҳамда дўстлар ўртасидаги яқин алоқалар. “Беш инсоний ришталар” орасидан Лиу Зи аввало эр ва хотин ўртасидаги муносабатни зикр қиладики, унга кўра, қолган барча муносабатларнинг ибтидосида айнан ушбу ришта ётади. Масалан, эр ва хотин ўртасидаги муносабат тўғри ташкил қилинса, оилавий ҳаёт равон кечади, оилавий ҳаётнинг равон ва осудалиги унинг аъзолари ўз ўрнига эгалиги ва ўзига тегишли вазифани тўлиқ бажараётганлигига далолат қилади, ўз навбатида, бу ҳолат эса жамият ва мамлакатнинг тинч ва фаровонлигини таъминлайди. Албатта, Лиу Зи бу ерда инсоний муносабатларни тўғри йўлга қўйишнинг асоси сифатида конфуцийликдаги ижобий ахлоқ белгилари – “кимнингдир ички дунёси

бойишига ҳисса қўшиш, уйни тартибли сақлаш, юртни одилона идора қилиш, Ер юзида тинчликни таъминлаш учун ҳаракат қилиш" кабиларни назардан четда қолдирмайди. Шу билан бирга, унинг фикрига биноан, ислом динининг асосини ташкил қилувчи "беш рукн" (имон, намоз, закот, рўза, ҳаж) ҳамда конфуцийликдаги "беш инсоний ришта" бир-бирига зид ёки қарама-қарши тушунчалар эмас, балки бир-бирини тақозо қилувчи ва тўлдирувчи феномен ҳисобланади. Яъни, инсон илоҳий қоидаларга риоя қилиш орқали инсоний муносабатларни тўғри йўлга солса, инсоний муносабатларни тўғри ташкил қилиш сабабидан илоҳий қоидаларни ҳаётга татбиқ этган саналади. Демак, шу тариқа, Аллоҳга эътиқоддан бошланиб, Унинг таъсис қилган инсоний муносабатларга риоя қилиш билан батамом бўлувчи Хитойдаги мусулмон ахлоқий тизими шаклланди.

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

1. IX-XVI асрларда Хитойда мусулмонлар иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, архитектура ва ҳунармандчилик соҳалари бўйича қизғин фаолиятлари натижасида жамиятда ўз ўринларини топганлар ва уларга ишончни ортиши ҳамда маҳаллий туб ерлик аҳоли билан никоҳ муносабатларига киришиши эса чин юртида ислом дини вакилларининг сони кўпайиши ва янги этник гуруҳ – "дунган" ("ҳуэй")ни шаклланишига олиб келган.

2. Хитойдаги мусулмон жамоалари тарихида Мин сулоласи даври мусулмонларнинг "Марказий Осиёдан кўчиб келган жамоа" статуси Хитойда муқим ўрнашган "этник озчилик" номига ўзгарганлиги ёки уларга нисбатан "Хитойдаги мусулмонлар" эмас, "хитойлик мусулмонлар" тушунчаси қўллана бошлаганлиги жиҳатидан муҳим бурилиш нуқтаси ҳисобланади;

3. Хитойлик мусулмонлар эътиқод ва этика борасида ўз диний қарашларини сақлаб қолган ҳолда, турмуш тарзи, қурилиш, кийиниш, таълим-тарбия бўйича муштарак маҳаллий маданият белгиларига уйғунлашиб, на Марказий Осиё ва на Хитой цивилизациясини такрорламайдиган ўзига хос маданиятни юзага келтирганлар.

4. Хитойнинг анъанавий миллий қадриятлари билан исломнинг муайян ахлоқий тушунчалари муштараклиги ушбу ўлкадаги мусулмонларнинг маҳаллий маданиятга мослашуви учун асос бўлди.

5. Бундай ҳолат Хитойдаги туб ерлик аҳоли ва бошқа халқлар ислом дини ҳақида кенгроқ маълумотга эга бўлишилари ва унинг ўлкада янада ривожланиши учун йўл очди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Kenneth W. Morgon. Islam – straight path: Interpreted by muslims. – Dehli: Motilal Banarsidass Publisher, 1993. – P. 350.
2. Aubin, F. (2001). Dillon Michael, China's Muslim Hui Community. Migration, Settlement and Sects. Curzon Press, Richmond (G.-B.), 1999. Bulletin critique des Annales islamologiques, 17(1), 40-41.
3. Chang, H. Y. (1987). The Hui (Muslim) minority in China: an historical overview. Institute of Muslim Minority Affairs. Journal, 8(1), 62-78.
4. Ernazarov, Odiljon (2018) "The socio-cultural life of Chinese Muslims during the Ming dynasty,"The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1, Article 11. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2018/iss1/11
5. Ernazarov, Odiljon (2020) "The activity of Chinese Muslims in the social, economic and cultural life of the country in the IX-XVI centuries," *The Light of Islam*: Vol. 2020: Iss. 3, Article 10. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss3/10
6. Ernazarov PhD, O. (2021). THE PROCESS OF SETTLING MUSLIMS IN CHINA DURING THE MING DYNASTY. The Light of Islam, 2021(4), 90-98.
7. Farmer, E. L. (Ed.). (1995). Zhu Yuanzhang and early Ming legislation: The reordering of Chinese society following the era of Mongol rule (Vol. 34). Brill.
8. Hucker, C. O. (2020). The Ming Dynasty: Its Origins and Evolving Institutions (p. 119). University of Michigan Press.
9. Kenneth, W. Morgon (1993). Islam–straight path: Interpreted by muslims. Dehli: Motilal Banarsidass Publisher.
10. Leslie, D. D. (1998). The Integration of Religious Minorities in China: The Case of Chinese Muslims (Vol. 59). Canberra: Australian National University.
11. Nematullo Mukhamedov, & Nurulloh Turambetov. (2021). The origins of religious tolerance in Central Asia. International journal of social science & interdisciplinary research ISSN: 2277-3630 Impact Factor: 7.429, 10(12), 68–73. Retrieved from https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/105
12. Nizametdinov, Najmiddin (2019). "The short history of turkic literature of India during the ruling of Baburids (XVI – XVIII centuries)", The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 3, Article 15. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss3/15
13. Romeyn, T. (1975). The Basic Annals of Ming T'ai Tsu. – San Francisco: Chinese materials centre.
14. Shoujiang, M., Jia, Y., & Chang, M. (2004). Islam in China. China International Press

15. Turdiyeva, Dilafruz (2020) “From history of malaysien education system”, *The Light of Islam*: Vol. 2020: Iss. 2, Article 20. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/20
16. Wolters, A. (2014), The State and Islam in Central Asia: Administering the Religious Threat or Engaging Muslim Communities? PFH Research Papers, 2014-3.

REFERENCES:

1. Kenneth W. Morgon. Islam – straight path: Interpreted by muslims. – Dehli: Motilal Banarsidass Publisher, 1993. – P. 350.
2. Aubin, F. (2001). Dillon Michael, China’s Muslim Hui Community. Migration, Settlement and Sects. Curzon Press, Richmond (G.-B.), 1999. Bulletin critique des Annales islamologiques, 17(1), 40-41.
3. Chang, H. Y. (1987). The Hui (Muslim) minority in China: an historical overview. Institute of Muslim Minority Affairs. Journal, 8(1), 62-78.
4. Ernazarov, Odiljon (2018) “The socio-cultural life of Chinese Muslims during the Ming dynasty,”The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1, Article 11. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2018/iss1/11
5. Ernazarov, Odiljon (2020) “The activity of Chinese Muslims in the social, economic and cultural life of the country in the IX-XVI centuries,” *The Light of Islam*: Vol. 2020: Iss. 3, Article 10. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss3/10
6. Ernazarov PhD, O. (2021). THE PROCESS OF SETTLING MUSLIMS IN CHINA DURING THE MING DYNASTY. The Light of Islam, 2021(4), 90-98.
7. Farmer, E. L. (Ed.). (1995). Zhu Yuanzhang and early Ming legislation: The reordering of Chinese society following the era of Mongol rule (Vol. 34). Brill.
8. Hucker, C. O. (2020). The Ming Dynasty: Its Origins and Evolving Institutions (p. 119). University of Michigan Press.
9. Kenneth, W. Morgon (1993). Islam–straight path: Interpreted by muslims. Dehli: Motilal Banarsidass Publisher.
10. Leslie, D. D. (1998). The Integration of Religious Minorities in China: The Case of Chinese Muslims (Vol. 59). Canberra: Australian National University.
11. Nematullo Mukhamedov, & Nurulloh Turambetov. (2021). The origins of religious tolerance in Central Asia. International journal of social science & interdisciplinary research ISSN: 2277-3630 Impact Factor: 7.429, 10(12), 68–73. Retrieved from https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/105
12. Nizametdinov, Najmiddin (2019). “The short history of turkic literature of India during the ruling of Baburids (XVI – XVIII centuries)”, The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 3, Article 15. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss3/15
13. Romeyn, T. (1975). The Basic Annals of Ming T’ai Tsu. – San Francisco: Chinese materials centre.
14. Shoujiang, M., Jia, Y., & Chang, M. (2004). Islam in China. China International Press
15. Turdiyeva, Dilafruz (2020) “From history of malaysien education system”, *The Light of Islam*: Vol. 2020: Iss. 2, Article 20. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/20
16. Wolters, A. (2014), The State and Islam in Central Asia: Administering the Religious Threat or Engaging Muslim Communities? PFH Research Papers, 2014-3.